

## ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР - ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети

Юриспруденция таълим йўналиши 3-босқич талабаси

**Аннотация:** ушбу мақолада хусусий корхонанинг юридик шахс сифатидаги ўрни ва аҳамияти, уни тузиши тартиби, бошқариши, давлат рўйхатидан ўтказиши, хусусий корхона раҳбари ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари, корхонани қайта ташкил этиши, тугатиши ва жавобгарлик масалалари кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** хусусий корхона, фермер хўжалиги, национализация, реквизиция, молия иили, ягона таъриф сеткаси ва бошқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мавжуд бўлмаса-да, 2003-йил 11-декабрьда қабул қилинган “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги<sup>12</sup> Қонун билан янги ташкилий-хукукий шаклдаги тижоратчи юридик шахснинг хукукий мақоми белгиланди.

Ушбу қонуннинг 3-моддасига асосан, мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот **хусусий корхона** деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукукий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий хукуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулқдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонунчиликка мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

### ХУСУСИЙ КОРХОННИНГ ФИРМА НОМИ

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxonasi» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxonasi» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида қонунчиликда белгиланган тартибда банк ҳисобвараклари очади.

<sup>12</sup> <https://lex.uz/docs/53877>

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли.

### **ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

Хусусий корхона мулқдор томонидан тузилади, мулқдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Хусусий корхона қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

*Хусусий корхонанинг уставида қўйидағилар кўрсатилиши керак:*

- корхонанинг фирма номи;
- унинг жойлашган ери ва поча манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- асосий фаолият турларининг рўйхати;
- мулқдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонунчиликка зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

### **ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулқдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий хукуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга хукуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулқдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулқдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулқдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулқдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

***Шу ўринда бир савол тугилиши табиий, албатта. Хўш, молия йили нима? У қачондан бошланади ва қачон тугайди?***

**Молия йили** — давлат бюджети амал қиладиган ёки молия ҳисоботлари муддати ҳисобланадиган 12 ойдан иборат давр.

Календарь йил билан мувофиқ келмаслиги мумкин. Масалан, Буюк Британияда молия йили 1-апрелдан бошланиб, кейинги йилнинг 31-мартида, АҚШда 1-октябрьдан бошланиб 31-сентябрьда тугайди. Буюк Британия ҳукуматининг молия йили эса 6-апрелдан бошланиб, кейинги йилнинг 5-апрелида тугайди. АҚШда эса бу муддатлар 1-июл — кейинги йилнинг 30-июни. Ўзбекистонда календар йилга мувофиқ келади (1-январьдан бошлаб, 31-декабрьда тугайди)<sup>13</sup>.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

### **Хусусий корхонани бошқариш**

Хусусий корхона мулқори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобвараклар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Хусусий корхона мулқори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ хусусий корхона уставига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- ✓ хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;
- ✓ хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усуlda тасарруf этиш.

Хусусий корхона мулқори қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

<sup>13</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Moliya\\_yili](https://uz.wikipedia.org/wiki/Moliya_yili)

Хусусий корхона мулкдори:

- ✓ устав фондини шаклантариши;
- ✓ ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қиласди.

Хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонунчиликка ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

### ***Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариши фаолияти нимадан иборат?***

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, саклаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишлар бажариш, хизматлар қўрсатиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

### **Хусусий корхонанинг иш берувчиси ва ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

Хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

Хусусий корхона ўз ходимларига меҳнат ҳақи, мукофотлар ва компенсациялар тўлашнинг шакллари, тизими ҳамда миқдорини қонунчиликка мувофиқ мустақил белгилайди.

Хусусий корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра, бироқ қонунчиликда Мехнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг<sup>14</sup> биринчи разряди бўйича белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт ва уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

<sup>14</sup> <https://lex.uz/docs/4514781#4515891>

Хусусий корхона ўз ходимлари учун қонунчиликда белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли.

Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ НИМА ДЕГАНИ?**

**Национализация** (миллийлаштириш) - саноат корхоналарига, банкларга, транспортга ёки хусусий шахсларга тегишли бўлган мол-мулкнинг давлат мулкига ўтиши. Миллийлаштириш бепул експроприация — мусодара қилиш, шунингдек тўлик ёки қисман сотиб олиш — реквизиция орқали амалга оширилиши мумкин<sup>15</sup>.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муқобил компенсацияси тўланадиган табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

### **РЕКВИЗИЦИЯ НИМА ДЕГАНИ?**

**Реквизиция** (лот. *requisitio* — талаб қилиб олиш, олиб қўйиш) — мулкни ҳақ тўлаб мажбурий равишда давлат эгалигига тўла ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш<sup>16</sup>.

Хусусий корхона қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Хусусий корхона битимлар тузишда эркинdir.

Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

### **ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШИШИ**

Хусусий корхоналар ўз ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

### **ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ**

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳукуқлари, агар қонунчиликда ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

<sup>15</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9D%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F>

<sup>16</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-r/rekvizitsiya-uz/>

## **ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки қонунчиликда белгиланган тартибда суднинг қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин.

Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки суднинг ёхуд рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

### **НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **Хусусий корхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **Хусусий корхонани очиш тартиби қандай?**

Хусусий корхона – мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот. Хусусий корхона мулқдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади. Яъни, кредиторларга қарзни узиш учун корхона балансида етарли маблағ бўлмаганда, ундирув корхона муассиси (эгаси)нинг мол-мулкига қаратилади. Шу жиҳати билан хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятдан фарқ қиласи. (Масъулияти чекланган жамиятда ундирув фақат жамият мол-мулкига қаратилади, яъни жамият муассиси мол-мулкига ундирув қаратилмайди).

#### **Рўйхатдан ўтказиш тартиби**

##### **Рўйхатдан ўтиш усуллари:**

- мустақил равишда маҳсус сайт орқали;
- Давлат хизматлари марказларига ташриф буюриш орқали.

##### **Керакли ҳужжатлар:**

- ариза;
- устав;
- электрон рақамли имзо.

##### **Рўйхатдан ўтиш вақти:**

30 дақиқа.

##### **Тўланадиган давлат божи:**

- БХМнинг 90 % - мустақил равишда сайт орқали рўйхатдан ўтиш;
- БХМнинг 100% - Давлат хизматлари марказларига бевосита ташриф буюриш орқали рўйхатдан ўтилганда.

##### **Талаблар:**

Хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулқдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргалиқдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни

корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулқдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

**Хусусий корхонанинг таъсис хужжати:**

устав.

**Бошқарув:**

хусусий корхона мулқдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради.

**Хусусий корхонанинг устунлиги:**

хусусий корхона қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғуллана олади.

**Хусусий корхонанинг камчилиги:**

- банкротликка учраганда барча қарзларни ва бошқа тўловларни ўзи тўлиқ миқдорда қоплайди;
- корхона эгаси унинг фаолиятини шахсан бошқариши шарт. У бошқарув ваколатларини ёлланган шахсга тақдим эта олмайди.

**Ўзига хос хусусияти:**

хусусий корхона эгаси корхонани тўлиғича мулк комплекси сифатида сотиши ёки ҳадя этиши, ёхуд уни тугатиб, мол-мулкни алоҳида сотиши мумкин<sup>17</sup>.

Ҳозирги кунда хусусий корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахсларнинг энг кўп тарқалган тури фермер хўжаликлариdir. Фермер хўжаликларини мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги 2003-йил 24-мартдаги ПФ-3226-сонли Фармони<sup>18</sup> да белгиланган эди. Кейинчалик бу 2004-йил 26-августъда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонун<sup>19</sup>да мустаҳкамланди.

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектиdir.

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигида тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди. Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

**Қайси ҳудудда хусусий корхоналар сони кўп деб ўйлайсиз?**

2022 йил 1 декабрь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) сони 588 823 та бўлиб, шундан хусусий корхоналар сони 92 839 тани ташкил қилди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ҳудудлар кесимида хусусий корхоналар сони энг кўп Тошкент шаҳрида қайд этилди – 12 081 та.

<sup>17</sup> <https://civil.uz/xususiy-korxona-ochish-tartibi-qanday/>

<sup>18</sup> <https://lex.uz/docs/170168>

<sup>19</sup> <https://lex.uz/docs/275195>

**Ушбу күрсаткич қолган худудлар кесимида қуйидагича қўриниш олди:**

- Фарғона вилояти – 11 741 та;
- Қашқадарё вилояти – 10 682 та;
- Самарқанд вилояти – 8 548 та;
- Сурхондарё вилояти – 7 354 та.

**Хусусий корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича сони:**

- савдода – 38 402 та;
- саноатда – 15 952 та;
- яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 8 017 та;
- қурилишда – 6 885 та;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 6 423 та<sup>20</sup>.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. <https://lex.uz/docs/53877>;
2. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Moliya\\_yili](https://uz.wikipedia.org/wiki/Moliya_yili);
3. <https://lex.uz/docs/4514781#4515891>;
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9D%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F>;
5. [https://qomus.info/encyclopedia/cat\\_r/rekvizitsiya-uz/](https://qomus.info/encyclopedia/cat_r/rekvizitsiya-uz/);
6. <https://civil.uz/xususiy-korxona-ochish-tartibi-qanday/>;
7. <https://lex.uz/docs/170168>;
8. <https://lex.uz/docs/275195>;
9. <https://kun.uz/news/2022/12/12/xususiy-korxonalar-soni-eng-kop-hudud-malum-qilindi>.

---

<sup>20</sup> <https://kun.uz/news/2022/12/12/xususiy-korxonalar-soni-eng-kop-hudud-malum-qilindi>

